**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг давлат статистика органларида ижросини таъминлаш бўйича 2017 йил январь-декабрь ойларида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот**

| Банд рақа-ми | Топшириқ мазмуни | Бажариш муддатининг охирги санаси | Ижро учун масъул вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар | Топшириқ ижроси тўғрисида таҳлилий маълумотлар |
|---|---|---|---|---|
| 174.1 | Назорат қилувчи органларнинг кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини ва улар томонидан ўтказиладиган режали текширишлар сонини янада қисқартириш, бунда: Тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига оид маълумотлар базасини шакллантириш, уларни автоматлашган ахборот тизими орқали таҳлил қилиб, хавф-хатарларни баҳолаш асосида тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича режа-жадвални ишлаб чиқиш. | 31.03.17 | Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Ахборот технологиялари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси | Мазкур Фармон билан тасдиқланган Давлат дастурининг 174-банди ижроси юзасидан Давлат солиқ қўмитаси томонидан 6 та вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлар дастурининг 1-бандида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Давлат статистика қўмитаси томонидан, назорат қилувчи органлар томонидан текширишларни режалаштиришда фойдаланиш учун улар назорати остидаги кичик тадбиркорлик субъектларининг рўйхати шакллантирилди ва электрон кўринишда 2017 йилнинг 18 май куни Давлат солиқ қўмитасига юборилди. |
| 187.1 | Ўзбекистоннинг объектив рейтинг кўрсатгичларини эгаллаши ва улардаги мавқеини ошириш учун талаб қилинадиган статистик ва бошқа маълумотларнинг халқаро ҳисоботларда чоп қилинишига доир чекловларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш. | 30.06.17 | Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Марказий банк | Давлат дастурининг 187-бандига мувофиқ, Ўзбекистоннинг объектив рейтинг кўрсаткичларини эгаллаши ва улардаги мавқеини ошириш учун талаб қилинадиган статистик ҳамда бошқа маълумотларнинг халқаро ҳисоботларда чоп қилинишига доир чекловларни бекор қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида Давлат статистика қўмитаси томонидан давлат статистика органларининг фаолияти танқидий ўрганилди, шунингдек ҳорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва халқаро статистик ташкилотларнинг статистика фаолиятини ташкил қилиш масалалари бўйича тавсиялари таҳлил қилинди, иқтисодиёт тармоқлари ва худудлар кўрсаткичларини статистикада акс эттиришда қўлланиладиган усуллар ва ёндашувлар қайта кўриб чиқилди.<br>Шунингдек, статистика органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг топшириғига мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ва унинг функцияларини кенгайтиришни кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси |

| Банд рақа-ми | Топшириқ мазмуни | Бажариш муддатининг охирги санаси | Ижро учун масъул вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар | Топшириқ ижроси тўғрисида таҳлилий маълумотлар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 2017 йилнинг 2 июнида Вазирлар Маҳкамасига киритилди.<br>2017 йилнинг 31 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3165-сон Қарори тасдиқланди ва ушбу қарор доирасида "2017-2021 йилларда статистика фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини тубдан ошириш, статистика ахборотлари сифатини ва уларни тарқатиш тизимини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури" тасдиқланди.<br>Дастур йўналишларидан бири халқаро статистик ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш бўлиб, бунда халқаро статистик тўпламларда республиканинг ривожланиши тўғрисидаги маълумотларни чоп этиш, халқаро тавсияларга мувофиқ кўрсаткичларни ҳисоблашнинг такомиллаштирилган методикасини жорий этиш масалалари кенг ўрин олган.<br>Бунинг учун мазкур Дастурга халқаро ташкилотларнинг, жумладан БМТнинг Статистика бўлими, БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг статистика бўлими, ЮНЕСКОнинг статистика институти, ФАО, ЭСКАТО, МДҲ Статистика қўмитасининг саноат, хизматлар, қишлоқ хўжалиги, транспорт, демография, таълим, инновация соҳалари ва миллий ҳисоблар бўйича 17 та саволномаларини тўлдириш йўли билан Ўзбекистон тўғрисидаги статистик маълумотларни халқаро ташкилотларнинг электрон маълумотлар базалари ва махсус нашрларида жойлаштириш бўйича тадбирлар киритилган.<br>Бундан ташқари, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида Халқаро валюта фондининг Маълумотларни тарқатиш умумий тизими ва Маълумотларни тарқатиш махсус тизимига қўшилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси бўйича иқтисодий ва молиявий маълумотларнинг қулайлиги ва очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ф-5054-сон фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Давлат статистика қўмитаси томонидан, 2017 йилнинг 14 сентябрида махсус буйруқ ва 25 сентябрида комплекс чора-тадбирлар режаси қабул қилинди.<br>Шу билан бирга, мазкур фармойишнинг 6-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасини Халқаро валюта фондининг кенгайтирилган Маълумотларни |

| Банд рақа-ми | Топшириқ мазмуни | Бажариш муддатининг охирги санаси | Ижро учун масъул вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар | Топшириқ ижроси тўғрисида таҳлилий маълумотлар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | тарқатишнинг умумий тизимига уланиши юзасидан Халқаро валюта фонди Статистика департаментига 2017 йил 15 сентябрда мурожаат хати юборилди ва 2017 йилнинг 25 октябрида ХВФдан ижобий жавоб хати олинди.<br>Бундан ташқари, иқтисодий, молиявий ва социал кўрсаткичларнинг Халқаро валюта фонди стандартларига мос келиши юзасидан инвентаризация ўтказиш ишларини ташкиллаштириш ҳамда доимий равишда ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида, масалага тааллуқли вазирлик ва идоралар билан биргаликда жорий йилнинг 21 сентябрь куни муҳокама ўтказилиб, Идоралараро ишчи гуруҳи таркиби тузилди ва уни тасдиқлашни сўраб Вазирлар Маҳкамасига хат юборилди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йил 2 окрябрда 02/1-2305-сон билан Идоралараро ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди.<br>Шу билан бир қаторда, Давлат статистика қўмитаси расмий-веб сайтида Халқаро валюта фондининг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими талаблари асосида миллий саҳифа очилган бўлиб, зарур маълумотлар билан бойитиб борилмоқда.<br>Бундан ташқари, Қирғизистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ўртасида англашув меморандумини имзолаш таклифи Қирғизистон тарафидан (ТИВнинг 2017 й 25 сентябрь 05/37722-сонли хати) таклиф этилган бўлиб, бунда статистик маълумотлар базаларини яратиш ва статистик маълумотларни йиғишда ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳаларида тажриба алмашиш, икки давлат ижтимоий-иқтисодий ҳолатлари тўғрисидаги нашрлар билан алмашинув, статистик сўровлар, рўйхатга олишлар ва кузатувлар ўтказиш борасида иккинчи Томоннинг тажрибасини ўрганиш мақсадида мутахассисларнинг ўзаро ташрифларини йўлга қўйиш кўзда тутилган.<br>2017 йил 5 октябрь куни Қирғизистон Республикаси расмий делегациясининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи доирасида Қирғизистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ўртасида статистика соҳасида ўзаро англашув ва хамкорлик меморандуми имзоланди.<br>2017 йилнинг январь-ноябрь ойларида, давлат статистика органлари томонидан, БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг статистика бўлими, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, БМТнинг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш статистика бўлими, ЮНЕСКОнинг статистика бўлими, Жаҳон банки, ЭСКАТО, ЕИКООН, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки |

| Банд рақа-ми | Топшириқ мазмуни | Бажариш муддатининг охирги санаси | Ижро учун масъул вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар | Топшириқ ижроси тўғрисида таҳлилий маълумотлар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | халқаро ташкилотларидан ва Қозоғистон Республикаси элчихонасидан келган саволномаларга асосан қишлоқ хўжалиги, экология, тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш, миграция ва транспорт соҳалари бўйича республиканинг ривожланишини акс эттирувчи статистик маълумотлар тақдим этилди. |
| 198.1 | Меҳнат бозори талабларига асосан, профессионал кадрларни қайта тайёрлаш юзасидан қисқа муддатли тренинг ва ўқув курсларини ўтказиш бўйича нодавлат таълим муассасалари фаолиятини рағбатлантириш. | 30.06.17 | Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | Давлат дастурининг 198-бандига мувофиқ, меҳнат бозори талабларига асосан, профессионал кадрларни қайта тайёрлаш юзасидан қисқа муддатли тренинг ва ўқув курсларини ўтказиш бўйича нодавлат таълим муассасалари фаолиятини рағбатлантириш юзасидан қарор лойиҳасини тайёрлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган (03.04.2017 й. №02/1-248). Ишчи гуруҳда Давлат статистика қўмитасининг масъул ходими жорий йилнинг апрель-июль ойларида мунтазам иштирок этди. |
| 199.1 | Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида керакли талабдан ортиқ ҳажмда тайёрланаётган гуманитар таълим йўналишларини қисқартиришни ва мос равишда аграр сектор, қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳаси, уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси мутахассислари тайёрлашни кенгайтиришни кўзда тутувчи ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим мутахассислик йўналишларини қайта кўриб чиқиш. | 30.06.17 | Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | Давлат дастурининг 199-бандига мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси томонидан 2017 йил 22 февралда 01/2-02-18/2-90-сонли хат орқали, ҳар бир туман ва шаҳарлар бўйича билим ва таълим соҳалари кесимида касб-ҳунар коллежлари сони, улардаги ўқувчилар сони, қабул қилинганлар сони, битирувчилар ва кутилаётган битирувчилар сони тўғрисидаги статистик маълумотлар тайёрланиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этилди. |